

Болта ЁРИЕВ

ЁР ЎТГАН КЎЧАЛАРДА

(Сайланма)

I

Тошкент - 2009 й.

**Ушбу китобимни менинг меҳрибонларим: падари бузрук-
ворим Ёри бобо Чори ўгли ҳамда волидаи муҳтарамам
Бозор момо Барот қизининг порлоқ хотирасига бағишлайман.
Муаллиф.**

Ёр ўтган кўча... Бу-интиқлик, интизорлик, соғинч, ҳижрон оғриқ-
лари, висол қувончлари... Бу севги-муҳаббат, меҳру оқибат, ишонч,
гумон, орзу-армонлар мужассами... Бу туйғулар Ватанга, халққа
фидойиликнинг узилмас ришталари билан зийнат топган.

Болта Ёриев ана шу кўчанинг ҳамisha покиза, озода, беғубор,
безавол ва чарағон сақланишини истайди. Халқ қўшиғида айтил-
ганидек:

Ёр ўтган кўчаларни супирай сочим билан,
Чанги чиқса, сув сепайин кўздаги ёшим билан...

Ҳа, шоир ана шу ёруғ манзилли кўча ёнида ундирган умид
гулшанидан сизга гулдаста тақдим этаркан, бу туйғулар сизни
ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб қолади.

**Тақризчи:
Нормат Йўлдошев,
филология фанлари номзоди доцент**

ШУНЧАКИ ЮРМАГАН ШОИР

“Юрганим йўқ мен ҳам шунчаки”, - дейди Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ўз шеърларидан бирида. Дарҳақиқат, шеър ишқи юрак ишидай туюлса-да, унинг замирида ўзига яраша ижтимоий вазифа ва масъулият ётади. Бу туйғу қанча-қанча орзу-умидлар, интилишлар, ҳаётини курашлар билан боғланади. Гапни Усмон Азимнинг юқоридаги ибораси билан бошлаганимизнинг боиси бор. Чунки шоир суҳбатларнинг бирида сурхондарёлик мураббий шоирлар сафида Болта Ёриевнинг ҳам номини эслаб ўтган эди. Мен бу гапни асосли деб биламан. Чунки Болта Ёриев, аввало, педагог, узоқ йиллардан буён Термиз давлат университетидеда меҳнат қилиб келади. Ёшларга меҳрибон мураббий, ўнлаб бошловчи ижодкорларнинг китоби унинг сўз бошиси билан чиққан, кўплаб ёш ижодкорларнинг китобига муҳаррирлик қилган. Ҳозир ҳам вақтли матбуотда мунтазам равишда ёшларни ижодий фаолиятга рағбатлантирувчи мақолалари, тақризлари чиқиб турибди. Шоирнинг ана шу хислатини сафдошлари ҳам тез-тез эслаб туришади. Масалан, таниқли шоир Шафоат Раҳматулло Термизий унинг “Меҳрибон нигоҳ” (1998) китобига ёзган сўз бошисида қуйидагича қайд этади:

“Вилоятимизда туғилиб-ўсиб, адабиёт майдонига кириб келган, бугун элу юртга танилиб бораётган ижодкорлар борки, улар ижод чорраҳаларида Болта Ёриевдек содда ва самимий мураббийга ҳам дуч келган, озми-кўпми унинг ҳам пандларини олган. Унинг ижоди ҳам кимларгадир туртки бўлган, кимларнидир ижодга йўналтиргани шубҳасиз”.

Мураббийлик - Б. Ёриев фаолиятининг бир қирраси. Бадиий ижодда эса лирик шоир сифатида кўзга ташланади. Шеърларида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари босимлик қилади. Ватан ҳақида сўз юритар экан, шоир уни кўпроқ халқ тарихи билан боғлаб тилга олади. “Ватанни севмоқ иймондандир”, дейди пайгамбаримиз. Б. Ёриев шеърларига бу муқаддас ғоялар сингдириб юборилиб, бу эъзоз чин инсоннинг юрак эътиқодига айланади.

**Ватан-юрақдаги эзгу ҳаётдир
Ва қонда жасорат, руҳий қанотдир.
Мангу шарафдалар Нажмиддин Кубро,
Ватанни севганлар жаннати зотдир.**

Шоир Ўзбекистон тасвирида “кўнгил баҳори”, “толега кўзгу”, “эртақларда сўйланган орзу”, “сеҳрли нигоҳ”, “ёғдуланган моҳ”, “тор тортган малак” ва бошқа кўплаб ташбеҳлардан фойдаланадики, улар муаллифнинг Ватанга шайдо қалбининг ифодаси, улар муаллифнинг Ватанга шайдо қалбининг ифодаси, ўқувчиларда гурур-ифтихор, эстетик ҳаяжон уйғотувчи воситаларга айланади.

**Элга дедим борлигим-ўтни,
Ватан-номус, Ватан эрур шаън.
Мен кўнглимга жойладим юртни
Ва юракка айланди Ватан!**

дейди унинг лирик қаҳрамонларидан бири. Бу сатрлар ҳам Ватанни иймон билан боғлаб тасвирлашнинг бир кўриниши, фидойилик, чин фуқаролик туйғуларининг ифодасидир. Бу каби эпитрофлар, Ватанга садоқат сатрлари миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига, қалбига сингдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шоир шеърларида ўз халқининг фидойилиги меҳнаткашлиги, самимийлиги ва бошқа фазилатлари билан фахрланиш туйғулари баҳор насимидай уфуриб туради. У ўз халқининг меҳнат жасорати, матонати, эришган юксак ютуқлари мақтовига бағишлаб, улардан илҳомланиб шеърлар битади. “Шомни кўзлаб эрта-саҳар мардон далага отланувчи бу содда одамлар”ни “мулки маъмуриликнинг шоҳи” деб билади, меҳрибонлик билан унинг бошини силагиси, мўъжизалар яратувчи қўлларини тавоф айлагиси келади, ўзини эса “ҳалоллик-ла имонни сақлаб келувчи” шу азиз жонларнинг ғолибият кунларини куйловчи найга ўхшатади.

Болта Ёриев ўз шеърларида инсон ва унинг умри, яшашдан мақсад, ҳаётнинг моҳиятига оид бир қатор фалсафий йўсиндаги мушоҳадалар ва тасвирлар яратади. Атоқли шоир Мақсуд Шайхзода “Умрлар бўладики, ўлган одам тириқдир”, - дейди. Б. Ёриев ҳам устозлар аънанасига таянган ҳолда эзгуликка бахшида умрларни улуғлайди. “Мени мафтун этар эл тарихида Чўққига айланиб қолган умрлар” дея эъзозли сатрлар битади. Унинг тасвирича, “Умр-мўлжал сари равон учган ўқ”, у “сафар шиддатига берилган карвон”, моҳиятига кўра, “Кураш синовига тикланган ҳуқуқ”. Умр инсонга беҳуда берилмаган, у “ҳаётдан ўрнини сўраган армон”. Шоир умрни уммонга ихлосли чашма солган йўлга, нурлар ҳалқасига узатилган қўлга ўхшатади. Демак, умр шунча интилиш, интиқлик, кураш, синовларга боғлиқ экан, уни беҳуда ўтказмаслик кераклиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади.

Болта Ёриев-ҳаётсевар шоир. Унинг шеърларида ҳаётга муҳаббат,

келажакка ишонч, дўст-ёрларга садоқат туйғулари алоҳида бир илҳом билан тараннум этилади. Шу билан бирга, унинг мавзу доираси ҳам ранг-баранг. Дўстлик, садоқат, вафо, ҳиммат, саховат, яхшилик, инсоф, диёнат, бахт-саодат, сабр-қаноат, тарих ва тақдир ҳамда бошқа мавзулардаги шеърлари ҳам ўқувчи томонидан иштиёқ билан ўқилади. Ривоят, ҳикоятлари, кўшиқлари, болаларга аталган шеърлари ҳам муаллиф юраги тозалигининг, дунёқарashi мусаффолиги, ниятлари покизалигини кўзгу каби акс эттириб туради.

Яна бир жиҳати, Болта Ёриевнинг кўпгина шеърларида публицистик рух устун. Бу эса уларга кўтаринкилик, ижтимоий-сиёсий жанговорлик бахш этади, ҳаётсеварлик руҳини таъсирчан ифода-лаш воситасига айланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Болта Ёриев изланувчан шоир. Агар тўпламдаги шеърларга эътибор берсангиз, уларда бармоқ вазнининг бир бўғиндан тортиб йигирма бўғинигача шаклланган баҳрлари мавжуд. Уларнинг тuroқланиши, қофияланишида ҳам ранг-баранглик ва таъсирчанликка, шакл ва мазмун мувафиқлигига интилиш сезилади.

Ўйлаймизки, Б.Ёриевнинг янги тўплами ҳам талабчан шеър ихлосмандлари қалбидан ўзига яраша ўрин топади.

**Менгнор Олломурадов,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти
бўлими раҳбари,**

**Рўзикул Мустафоқулов,
филология фанлари номзоди, доцент.**

БАШАР, ЁР ВА ДИЁР КУЙЛАРИ

УЧЛИКЛАР

Орзулари тўла гул отган бири,
Орзуларин тўла йўқотган бири,
Сен уларга писандмас, ўлим.

Ўзга бош айбидан сўйлайсан нуқул,
Ўзинг ҳам мени -тилагандай кўнгил-
Бошқармаётганинг билсайдинг, эй бош!

Юриш-туриш, кезишинг, таом, гапларинг-ҳаром,
Ҳали ўлмоқ учун ҳам емоқдамисан ғам,
Ҳаром қилмоқчимисан покиза лаҳатни ҳам?

Қасам ичайми: “Сени синдирганим йўқ!” деб,
Бўлмаса, нечун мени алдайсан “Сен кўп!” деб,
Қаршингда бир ўзим-ку, ахир, синиқ ойна!

Билим, қайда эдинг, ўктамлик, сен-чи?
Нега панд берасан, тажриба-синчи?
Нега йўлим бўлди пушаймон йўли?

Мен сени қайга ҳайдай,
Битмай туриб битганим,
Кетмай туриб кетганим?

Қуёшга парвозим деб, чақинин ҳам йўқотган,
Узоқда манзилим деб, яқинин ҳам йўқотган,
Яқинига интилиб, узоққа кетган ҳам кўп.

Руҳият, коинот, оламда, қадамда жумбоқ кўп,
Ҳаёту ўлимнинг баҳсидан хаёлга чўммоқ кўп,
Сен нега мен билан сирлашиб ётибсан, хотира?

Мўлжалли қушимни қайирдинг,
Кўксим йўлбарсидан айирдинг,
Сен бунча безбетсан, кўникиш?

Менинг гуноҳим не, недир сенинг дардинг,
Саратонда бунча музлатиб юбординг,
Эй совуқ кунларда исинганим, нигоҳ!

Сен қайси манзилда чалғидинг, диққат?
Сен қачон кўзимни элитдинг, ғафлат?
Қачон ўтиб олди меҳробга чаён?

Наҳотки, сезмайсан, умр-омонат,
Қанотинг синар-ку, бўлсанг ҳам Фирот,
Тойсиз юрибсанми ҳали ҳам, ҳей от!

Юришин кўр, у парвойи палак,
Арзимади ташвишингга андак,
Ерга кириб бораётган уят!

Жонни танга киргизгувчи куй,
Яна битта илтижомни суй:
Уни осон чиқариб ҳам қўй!

Тантана руҳимга сололмаса йўл,
Кувониб қарсақлар чалмаса кўнгил,
Сенинг чапакларинг нимамиш, эй қўл!

Тугади-йитди-ку орзули ўйлар ҳам,
Ўтди-ю, кетди-ку каттакон тўйлар ҳам,
Сен нега кечикиб юрибсан, тантана?

Кечагина сиғмас эдинг дostonга,
Таърифларинг қизни айлаб мастона,
Тилла эмас экансан-ку, остона?

Ўзи-ку, пуфласа, учар ҳолинг бор,
Лек оғир ботяпсан тошлардан баттар,
Не қилиб юрибсан кўнгилда, губор?

Учуқ, энди шу ҳам гапми?
Қўй, бунча уялтирма,
“Мен кўркмайман!” деган лабни.

Алдовчи ҳолат-бу, чўпон йигитлар!
Қайларда қолдингиз, вафодор итлар?
Искашиб турибди қўй билан бўри.

Ким айтди осмонга керак деб тирак,
Керак бўлганда ҳам, чидарми бироқ-
Сен кўтараётган тумшуқ ва бурун?

Қачон тугар экан дунёнинг ками,
Бунча толдиради эртанинг ғами,
Эрта деб бугунни бой бермоқ шартми?

Кўрган бари ўй олиб бўлди,
Қавминг бари уялиб ўлди,
Ер ёрилди, нега кирмайсан?

Жуда қалинлашиб кетган йўқ ранги,
Кескин ўзгарган йўқ ҳали посанги,
Кўчингни уловга ортмай тур, имон!

Силаб-силаб жаҳлнинг ёлин,
Ювошсойга бургандим йўлин,
Менга салом берди мурса...

Қадим-қадим бу нақл, ибратлидир кўпга,
Сендан минг-минг авлодир яқиндаги ўпка,
Бунча илҳақ этасан, узоқдаги қуйруқ?

Беғубор меҳрингни баҳр биламан,
О, сен-ла жуда ҳам фаҳр қиламан,
Бағрига жаҳонни сиғдирган қучоқ!

Орсизлар ороми бўлсин бегона,
Ватан, халқ тақдири танҳо, ягона,
Сен менинг исмимга айлан, орият!

У қаҳрини қайларга тўкар,
Ёнидаги манфурни қўйиб,
Узоқдаги душманни сўкар.

Фириб бўлди яшаш таёғи,
Тойиб кетгач эса оёғи,
У ўлимни алдай олмади.

Кучинггамас, умидингга таян,
Умидингдан яшаш тарзинг аён.
Умид-курч томири ҳаётнинг.

Шодон чоғларимда отасан хандон,
Сал ғамгин кўринсам, маюссан, чунон,
Менга ҳамдардликка солма ўзингни.
1981-1997.

АСР АЛМАШУВИДА АЙТИЛГАН ШЕЪР

Асрлар алмашгай, йиллар алмашгай,
Фасллар алмашгай, селлар алмашгай.
Насллар алмашгай, эллар алмашгай,
Бу-абад кетгувчи қутлуғ жараён,
Галма-гал мўъжиза айлар намоён.

Учкур бедовларни буриб бергайдир,
Белда белбоғларинг сириб бергайдир,
Ризку насибангни териб бергайдир.
Омонлигинг тилаб элтгай ҳар сари,
Меҳнаткаш қисматнинг қадоқ қўллари.

Чекингда гоҳ ҳаён, гоҳи барака,
Йўлингда яхши-ю ёмон маърака,
Умр ўтаверар ушбу тариқа.
Демак, бу дунёнинг бегонаси йўқ,
Кўпга қўшилмаган ягонаси йўқ.

Надомат чекмагил кетганларингга,
Саловат ўқигил ўтганларингга,
Шукрона айлагил етганларингга.
Умринг мазмунига бор-йўфинг-тафсир,
Бардош-иродангга мўлжалли тасвир.

Келгач йил ораси, аср ораси,
Биродар, дўст-ёрга тилак сараси-
Азиз боболардан бизга мероси.
Саодатдан тахту меҳрдан қуёш-
Доимо насибинг бўлсин, замондош!
31.12.2000.

* * *

Шамол тезлигини олган автобус-
Манзилга интилгай бекатма-бекат.
Боқаман:
Гоҳ четда тераклар тўкис,
Гоҳ терим авжида эгатма-эгат.
Шаҳарлар...
Қишлоқлар...
Ху, чўққили тоғ...
Кенгликлар қўйнида ўтлоқзор-яйлов.
Кундузи рангин боғ, тундаги чароғ-
Тириклик инъоми, кўзимга сийлов.
Йўловчилар чиққай (йўлдошлик насиб),
Овуллар руҳини айлаб мужассам.
Ул тоғлар ҳавосин келгандай кесиб,
Ул яйлов ҳидларин этган каби жам.
Шу қишлоқлар каби бағрилари кенг,
Боғлар мевасидай меҳрга тўла.
Кўнгли ҳам пахталар оқлигига тенг,
Чинорлар мисоли пишиқ зувала.
Орзулари юксак чўққилар монанд,
Бир дам ширин суҳбат қўшиб қолишгай.
Қайта учрашувни қилганча ният,
Сўнг қай бир бекатда тушиб қолишгай.
Олис хотиралар кўзғалгай шунда,
Юракда ҳаяжон мисли дардарак.
Орзиқиш домига руҳим тутқунда,
Қайтмас бир бекатдан излагай дарак.
Биз ҳам дуч келгандик,
Эзгулик бўлди.
Лек насиб этмади қайта кўргулик.
Оҳ, ҳижрон азоби безгулик бўлди,
Айрилик, айрилик, машъум кўргулик!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5205> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5205> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5205>